



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 1 ноябрь, № 216 (4369)

Пайшанба

## ИШОНЧЛИ ВА ФАОЛ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 31 октябрь куни Оқсаройда Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Куродани қабул қилди



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон дунёдаги аксарият йирик халқаро молия муассасалари билан алоқа ўрнатгани, лекин Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

— Сиз билан ҳар бир учрашувимиз ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилиш учун яхши имкониятдир, — деди Ислам Каримов.

ОТБ иқтисодий ислохотларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг яқин, ишончли ва фаол ҳамкорларидир. Банк мунтазам равишда Ўзбекистон билан ҳамкорлик стратегияси ва дастурини ишлаб чиқиб, ҳаётга изчил татбиқ этиб келмоқда.

Ўзбекистон ушбу молия муассасасига аъзо бўлган 1995

йилдан буён ОТБ мамлакатимизга 875,6 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит ажратди. Бу маблағлар транспорт инфратузилмаси, энергетика, қишлоқ хўжалиги, коммунал хўжалик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек, умумий, ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳаларидаги стратегик аҳамиятга молик 21 лойиҳа ижросига йўналтирилган. Бундан ташқари, техникавий ёрдам тариқасида 62 грант тақдим этилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 32 миллион АҚШ доллари ошади. Мамлакатимиздаги лойиҳаларни молиялаштириш борасида ОТБ халқаро молия муассасалари орасида биринчи ўринда туради.

Айни пайтда уч йилга мўлжалланган янги Молиявий ҳамкорлик дастурига мувофиқ

16 устувор лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш режалаштирилмоқда. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, мактабларни жиҳозлаш, таълим тизимига ахборот ва коммуникация технологияларини жорий қилиш, транспорт инфратузилмасини замонавийлаштириш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш каби йўналишлардаги бу лойиҳалар учун 510,7 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит ажратиш кўзда тутилган.

Ҳамкорликнинг изчиллиги босқичма-босқич амалга оширилган лойиҳаларда яққол кўзга ташланади. Масалан, 2005 йилда Навоий ва Қашқадарё вилоятларида қишлоқ жойларда сув таъминотини яхшилаш лойиҳалари учун ОТБ 36 мил-

лион долларлик кредит ажратган бўлса, навбатдаги ҳамкорлик дастури доирасида Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида шундай лойиҳалар учун ушбу муассасанинг 25 миллион доллар кредитини жалб этиш мўлжалланган. Шу тариқа 2009 йилга бериб, мамлакатимиз бўйлаб қишлоқ жойларда сув таъминотини яхшилаш бўйича лойиҳалар тўла якунига етиши кутилмоқда.

Ўзбекистон ва ОТБ ҳамкорлиги кўп томонлама асосда ҳам ривожланмоқда. Банк раҳбарияти Марказий Осиёда энергетика, савдо ва транспорт инфратузилмаси каби устувор йўналишлар бўйича минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида бошқа халқаро молия муассасаларининг саъ-

ҳаракатларини мувофиқлаштириб боради.

Х. Курода самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистонда йиллик иқтисодий ўсиш 8-9 фоизни ташкил этаётгани мамлакатимизнинг юксак иқтисодий салоҳиятига далolat эканлигини таъкидлади.

— ОТБ Ўзбекистон билан фаол ҳамкорликни давом эттириш ва изчил ривожлантириш бориш тарафдори, — деди у.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон — ОТБ муносабатларида доир масалалар, қўша лойиҳалар ижросининг бориши ва янгиларини ишлаб чиқиш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)  
Абдувоҳид ТУРАЕВ  
олган суратлар.

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Осиё тараққиёт банки 1996 йилдан буён Ўзбекистон иқтисодийнинг кўплаб соҳаларига сармоя киритиш орқали мамлакатимиздаги ислохотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

## Ҳужжат имзоланди

ОТБ билан ҳамкорлик самараси таълим, табиий ресурсларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, соғлиқни сақлаш, молия, саноат, савдо, энергетика каби соҳаларда қўлга киритилган муваффақиятларда яққол кўзга ташланади.

Ушбу халқаро молиявий муассаса ўтган йили Ўзбекистон учун 2006-2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегияси ва дастурини тасдиқлаган. Дастурда 2007-2008 йилларда жами 14 лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, умумтаълим мактабларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш каби соҳаларни қамраб олади.

Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Куроданинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси билан ОТБ ўртасида яна бир ҳужжат — "Давлат молияси бошқаруви ислохот қилиш" лойиҳаси бўйича кредит битими имзоланди.

(ЎЗА)

## Ёш истеъдодлар фестивали

Фарғонада "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган "Янги авлод — 2007" кўриқ-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Бу галги фестивалда маҳаллий ёш иқтидор эгаларидан ташқари андижонлик болалар ҳам иштирок этдилар. Бу эса кўриқнинг янада қизиқарли ва мурасасиз ўтишини таъминлади.

Келажагимиз ворислари мумтоз ва миллий мусиқа асбоблари, кўшиқчилик, рақс, халқ амалий санъати, театр йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Икки кун давом этган минтақавий фестивалда 32 нафарлик чиллардан 32 нафарлик чиллар водийлик ҳамда пойтахтдан ташриф буорган ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан муносиб баҳо-лаштирилди. Эндиликда қўлаб ўз маҳоратларини мамлакатимиз пойтахтида ўтказиладиган республика босқичида синаб кўришди.

Н. СОБИР,  
"Халқ сўзи" мухбири.

## Қишлоқ мулкдорлари сафи кенгайди

Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бир йилда 5898 тага қўлайиб, уларнинг сони 29532 тага етди.

Балиқчилик Нафисахон Бурнова — ана шулардан бири. У «Водий Анд артекс» кичик корхонасини ташкил этиб, тикувчилик йўлга қўйди. Бунинг учун маҳалладошларидан ўн беш нафарини ёнига олиб, бежирим либослар тикиш сирларини ўргатди. Гулсара Маджидова эса дўпни тикувчи қиз-хувонларни жамлаб, мўъжазгина корхона очди.

Шундай қилиб, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 40286 та янги иш ўрни яратилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.

## "Янги турмуш"да коллеж

Бухоро туманидаги "Янги турмуш" қишлоқ фуқаролар йиғини худудиди Иқтисодий касб-хунар коллежи биноси қад ростлади.

— Билим даргоҳимизда ёшлар банк иши, бухгалтерия ҳисоби, менежмент йўналишларида таълим олиб, касб-хунар эгаллашди, — дейди коллеж директори Ш. Олимов. — Янги барпо этилган ўқув масканимизда ўқув-қўзғаларини билим олиши учун барча шароит яратилган. Хусусан, физика, химия лаборатория хоналари, спорт зали, ахборот-ресурс маркази мавжуд.

Эндиликда худуддаги урта умумтаълим мактабининг 9-синфини тугатган ўқувчилар ушбу янги таълим даргоҳида таҳсилни давом эттиришди. Айни пайтда коллежда 230 нафар ўқувчи сабоқ оляпти.

И. ИБРОҲИМОВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.

## 2007 йил 2 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтади.

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БЎЛАДИГАН МАЖЛИСИ ҲАҚИДА

Унда Қозғоғистон Республикаси Бош вазири К. Масимов, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари В. Цзябао, Қирғизистон Республикаси Бош вазири вазифини бажарувчи А. Атамбаев, Россия Федерацияси ҳукумати раиси В. Зубков, Тожикистон Республикаси Бош вазири О. Қуллов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев, ШХТ Бош қотиби Б. Нургалев ва ШХТ Минтақавий аксилтерор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори М. Субанов иштирок этадилар.

Мажлисида ШХТда кузатувчи мамлакатлар вакиллари — Хиндистон Республикаси давлат ташқи ишлар вазири Е. Ахамед, Эрон Ислам Республикаси биринчи вице-президенти П. Довудий, Мўғулистон Бош вазирининг ўринбосари М. Энхсайхан ва Покистон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазири Х. Касури, шунингдек, меҳмон сифатида Афғонистон Ислам Республикаси биринчи вице-президенти А. Масъуд қатнашдилар.

Мажлисида ШХТга аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгаши ва Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Ташкилот доирасида савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ва алоқаларни янада мустаҳкамлаш чора-тадбирларига оид қарорларнинг ижроси ҳақидаги, ШХТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси фаолиятининг ШХТ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг 2006 йил сентябрда Душанбе шаҳрида бўлган сўнгги мажлисидан кейинги даврдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар тинглангани режалаштирилмоқда.

Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси доирасида Қўшма баёнот, ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида божжона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги битимлар ва қатор бошқа ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Матбуот хизмати.

## МЕҲРДАН ЕР ҲАМ ЯШНАЙДИ

Жорий йилнинг йғим-терим ишлари энди бошланган кезларда Президентимиз Жиззах ва Сирдарё вилояти меҳнаткашлари билан учрашиб, дилдан сўхбатлашдилар.

Мавжуд аҳвол билан яқиндан танишдилар. Оқолтин туманида бўлиб ўтган учрашувларда ҳам муаммолар, уларни бартараф этиш хусусида сўз борди. Уша учрашувда Юртбошимиз қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлиги ердан олинаётган ҳосил миқдори унинг сифатига боғлиқ эканлигини, бу эзгу мақсадга майдонларнинг мелiorатив ҳолатини тубдан яхшиламасдан эришиб бўлмаслигини алоҳида уқтирган эдилар. Қуни кеча матбуотда Президентимизнинг «Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини ўқиб, очиги, бошимиз осмонга етди. Бу Фармон ўша учрашувларда айтилган фикрларнинг амалий натижаси, мукаммал ҳужжати бўлди, десак адашмаймиз.

Оқолтин пахтачилик соҳасида Сирдарё вилоятидаги юки оғир туманлардан бири ҳисобланади. Буни қарангки, Мирзачўлни комплекс ўзлаштириш давридаги кўпол хатолар кейинги йилларда ўзининг ноҳуш оқибатларини кўрсата бошлади.

Бетон лотокларнинг катта қисми ишдан чиқди. Коллектор ва дренажлар сизот сувларни сўриб ололмади қолди. Уларнинг «кўзи»ни бегона ўтлар ва тупроқ босди.

Натижада сизот сувлар кўтарилиб, минглаб гектар ҳосилдор ерларни, деҳқонлар тили билан айтганда, оқ ва қора туз қоплади. Ҳосилдорлик ошиши ўрнига пасайиб кетди. Гектар ҳисобига 14-15 центнердан пахта олинган, деҳқоннинг қосаси оқармай қўйди. Биз она замин, она ер, деб атаган далалар қўлдан

### Муносабат

## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



## «ШЕВРОЛЕ» МАШИНАЛАРИ СОТУВГА ЧИҚДИ

Жаҳон автомобилсозлари орасида Ўзбекистон эндиликда ўз нуфузи ва салмоғига эга, де-факто қилмаган бўлмади. Зеро, қисқа давр ичида Асақдаги заводнинг ишлаб чиқариш қуввати 6 баробар ортди. Агар корхона фаолият бошлаган 1996 йилда 25 мингдан зиёд автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 140 минг 80 тани ташкил этди.

«Қашқадарёавтотехоизмат» очик акционерлик жамияти Асака автомобиль заводиди ишлаб чиқарилган «Tacuma», «Erica», «Capiva» номли янги машиналарни сотувга чиқарди. «Шевроле» русумидаги бу замонавий автомобиллар ўзбек автомобилсозларининг жаҳонга машхур «General Motors» корпорацияси билан ҳамкорлиги самарасидур.

Ҳиссдорлик жамияти автосалони раҳбари Хошим Турдиевнинг таъкидлашича, янги автомобилларга талаб катта. Дастлабки савдо кунининг ўзида 29 та машина учун олди-сотди шартномаси имзоланди. Бу автосалон худудий савдо манзилли бўлиб, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари аҳолисига ҳам хизмат кўрсатади.

Суратда: «Шевроле» машиналари автосалонда.

Ж. НОРҚОБИЛОВ  
олган сурат.

**Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузасида суд-хуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири экани алоҳида таъкидланди.**

## ИСЛОҲОТЛАР — ДЕМОКРАТИЯ ВА ИНСОНГАРВАРЛИК МАҚСАДЛАРИ ЙЎЛИДА

Ушбу соҳада амалга оширилган ислохотлар "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан аҳоли ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари ҳисобланади. Бу маълумотлар мамлакатимиз Конституциясида мустақамлаб кўйилган инсоннинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга доир комплекс ижтимоий тадқиқотларнинг махсус бўлимида ҳам эътибор қаратилмоқда.

Бу галги сўровда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан фуқаролар иштирок этиди. Унинг натижалари фуқароларимизнинг мамлакатда суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлардан

яхши хабардорлигини кўрсатди. Сўралганларнинг ундан икки қисми бу ҳақда етарлича маълумотга эга эканини ва рўй бераётган туб ўзгаришлар жараёнини кузатиб бораётганини айтди. Сўров қатнашчиларининг фикрича, бу борадаги ислохотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг қонунларга амал қилиши ва мамлакат ҳавфсизлигини таъминлаш зарурлигини англаши йўлида амалга оширилмоқда. Шу боис, Ўзбекистон аҳолисининг аксарияти (90 фоиздан ортиғи) суд-хуқуқ тизимини ислохот этилиши маълумлади ва қўллаб-қувватлади.

Ушбу соҳани ислохот қилиш концепцияси бар-

ча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш устуворлигига, ижтимоий адолатни қарор топтириш таъминлари асосланган.

Фуқароларимиз жинсий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чоралар катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, уни ушбу кон-

Мамлакатимиз фуқароларининг кўпчилиги (90,7 фоизи) Юртбошимизнинг ушбу қарорини қўллаб-қувватлаётгани жамоатчилик онгу шуғурида инсонийлик фазилатлари ортиб бораётганидан дарак беради. Сўровда иштирок этганларнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқий чоранинг жорий этилиши жинсий жазо-

аҳолининг аксарияти қўллаб-қувватлайди. Суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлардан кўзланган мақсадлардан бири судлар ва судьяларнинг давлат ижро ҳокимияти органларидан мустақиллигини таъминлаш ҳисобланади. Сўров қатнашчиларининг фикрича, мамлакатимизда ушбу йўна-

мурожаатлари ижобий ҳал этилаётганини ҳам кўрсатди. Утказилган ижтимоий тадқиқотнинг асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси, ўзининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларидан нечоғли хабардор ёки бехабарлигини аниқлаш ҳамда ўрганиш эди. Сўров натижасида шу нарса аниқландики, одамларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизми тўғрисида маълумотга эгаллиги мунтазам ортиб бораётди.

Таъкидлаш жоизки, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотлар масалалари бўйича тадқиқотлари натижалари бу борада амалга оширилган демократик ўзгаришлар катта самара бераётганини яққол исботлайди. Аҳолининг аксарияти давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мамлакатимизда демократияни янада ривожлантириш мақсадида суд-хуқуқ тизимини эркинлаштириш ҳамда унинг инсонпарварлиги таъминлигини қўлайтириш бўйича қўйилган чораларни маълумлади ва қўллаб-қувватлайди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида **ЎЗА МУХБИРИ А. ИВАНОВА** тайёрлади.

## АДИР БАҒРИДАГИ ХАЗИНА



**Хисор тоғи этагида Сумак деган қишлоқ бор. Ундан нарида яна қанча-қанча қишлоқлар учрайди. Одамлари билан мулоқот қилсангиз, тоғликларга хос шижоат, очиккўнгилликдан дилнингиз яйрайди. Ҳар бир қишлоқ ўз тарихи, ривоятига эга. Энг муҳими, ҳамма бирдек ҳурмат қиладиган, эъзозлайдиган оқсоқоли, улуги бор. Уларнинг ҳеч қандай амали йўқ. Лекин айтгани-айтган, дегани-деган.**

### Орамиздаги одамлар

Сумакнинг оқсоқоли Муртозхон Олимов тўладан келган, истараси иссиқ инсон. Бу отахонни фақат қишлоқ аҳли эмас, бутун китобликлар ҳурмат қилишади. У умрининг 40 йиллини ўрмончиликка бағишлади. Китоб ўрмон ҳўжалигининг Сумак қишлоғи атрофидаги катта ҳудудда бош ўрмончи бўлди. Айрим ўрмончилар ўз вазифаси табиий дархатзорларни қўриқиб, ҳосилини териб олишдан иборат, деб билса, Муртозхон дов-дархатларни қўлайтиришни, янги ўрмонзорлар яратишни ўйлади.

Бунинг боиси бор. Ўрмон ҳўжалиги ҳудудидagi қир-адирлар ба-ҳорда ям-яшил бўлса, ёзда ҳар жой-ҳар жойда кўкариб турган дўланоқ сийрак арчани ҳисобга олганда, сап-сарғил янги даштга айланади. Муртозхон ўрмончи шу сувисиз қирларда боғ барпо қилди. Сўғорилмади, лекин мўл ҳосил беради.

— Мен ўрмончи бўлган участкада 807 гектар ер бор эди, — дейди Муртозхон Олимов. — Бир гектари ҳам сўғорилмасди. Ҳамма нарса табиий намлик ҳисобига ўсарди. Ўрмончиман деб, қараб ўтираварсам ҳам бўларди. Лекин эрининг бекор ётганига чидаёлмадим. Бунинг устига, ўша пайтда ўрмон ҳўжалиқларида мевали дархат кўчатлари етиштириш йўлга қўйилган. Бу кўчатлар кўйи ҳудуддаги сўғорилмаган майдонларда етиштирилиб, ҳўжалик ва ташкилотларга сотиларди. Шу кўчатларни лалми ерларга экиб, боғ ташкил қилишни раҳбарларга таклиф этдим. «Дўлана, қайрағоч экинг, сувсиз еринг дархатни шу», дейишди. «Синаб кўрайин-чи», деб адирнинг сайхонроқ жойларига ўрик, ёнғоқ, олма экдим. Намни сақлаш учун тупроқни майин қилиб қўйдим. Ҳаммаси туғди. Кейинги йили мевали дархатнинг хилма-хилдан эка бошлади. Шунга ҳам йиғирма йил бўлди.

Бугунги кунда Сумак қишлоғида катта боғ янаб турибди. 40 гектар олмазор, 10 гектар ёнғоқзор, 16 гектар олҳўризор, 15 гектар бодомзор, 5 гектар тоқоз ҳосилга кирган. Муртозхон Олимов боғда устирилайтган ҳар бир дархатни, меваларнинг навини ёддан билади.

— 675 минг туп ўригимиз ҳам бор, — дейди у фахр билан. — 32 навидан эканмиз. Ҳар қайсида ўзига хос таъмига, шифобахш хусусиятга эга. 5 гектар ерда нашвати устирилайтати, 1,5 минг туп қўчат экан эдик. Барчаси ҳосилга кирган. Сумакнинг нашватиси ўзгача. Бошқа жойда бундай ширин мева битмайди. Шу нави самарқандлик ва хоразмлик ўрмончилар ҳам экишди. Лекин мазаси биздагидай бўлмади. Айнақса, лалмида етиштирилган меванинг таъми яхши бўлади.

Машина нари турсин, ҳатто, одам пиёда юриши қийин бўлган бу қишлоқда шунча дархат қандай экилган? Саволимизга ўша йилларда ўрмон ҳўжалиги бошқармасининг раҳбар ўринбосари бўлиб ишлаган Ўткир Хуррамов шундай жавоб берди:

— Лалмидаги болларга бутун қишлоқ аҳолининг меҳнати синган. Ўрмончилик участкасида бош ўрмончимдан бошқа ишчи йўқ эди. Муртозхон аҳанинг ҳурмати учун каттаю кичик хашағга чиққан. У киши ўзининг ҳисобидан қозон осиб, оғвак пиширган. Шундай қилиб, кўпчиликнинг кучи билан кирда боғ бунёд бўлган. Бугун уни ҳамма «Муртозхон отанинг лалмидаги боғи», дейди.

Муртозхон Олимов ҳозир пенсияда. Ўрмончилик касбини фарзандларига ўргатди. Уларда табиатга, дов-дархатларга меҳр уйғотди. Шунинг учун ҳам бири фермер, бири боғбон бўлди. Кичиқи Нўмон эса ота касбини давом эттиряпти. Қирдаги болларнинг ҳаммаси унинг иктиёрида. Қўриқлайди, парвартиш қилади, ҳосилини териб топширади.

— Ўрмончиликнинг масъулияти катта, — дейди Муртозхон ота. — Ҳудуддаги дов-дархатнинг бариси ҳисобда туради. Табиий ўтулан, гиёҳларнинг сақланиб қолиши учун ҳам ўрмончи жавобгар. Агар ўрмон ҳўжалиги ерида мўл юрса, «Қизил китобга» кирган нодир гиёҳлар йўқолиб кетади. Қўп жойда қаврак йўқолиб кетади. Бу усимлик қимматбаҳо илдизи учун «қириб» юборилди. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Отахон ҳар қили қирдаги боллардан хабар олиб туради. Кексайгандан кейин пиёда кирга чиқиб осон эмас. Болларни от миниб айланади. Ҳар бир дархат билан тиллашади, хол сўрайди. Қуроқчилик йилларида ҳам қоматини тик тутиб, янаб турган дархатларни қўриб қувонади, гурурланади.

**Б. ҚОҚИЛОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МЕҲРДАН ЕР ҲАМ ЯШНАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

маблагининг ярми ўзлаштириб бўлинди. «Фарғона», «Андижон», Собиржон Сиддиқов номи, Укибоев номи, Усмон Носир номи фермер ҳўжаликлари уюшмасидаги ўнлаб чакирим ирригация тармоқлари созилаб қўйилди. Ўнлаб чакирим ҳўжалиқларга дренаж ва коллекторларнинг «кўзи» очилди. Епик дренажларда тўпланиб қолган сувлар коллекторларга ҳайдалди. Мана шу кредит маблагининг олиб келинишига ҳам муҳтарам Юртбошимиз бош-қош бўлдилар.

Дехқончилик маданияти, деганда фақат ер текислаш, ҳар қарич ердан оқиллоша фойдаланишни тушунамаслик керак. Аввало, даладдаги тупроқнинг унумдорлиги юқори бўлсин. Кафтдек ерингда ҳам шўр бўлмасин. Аригиндан оқадиған сув қўшиқ айтиб оқсин. Оқова

сувинг бекор кетмасин. Ишончимиз қомилки, мелиорация ишлари билан шуғулланувчи пудратчи ташкилотларга берилган имтиёзлар, сўзсиз, ўзини оқлайди. Чунки солиқ ва турли йиғимлардан озод бўлгач, гайратларига гайрат қўшиб ишлашларига биз, чўлқуварлар аминимиз. Бу Фармоннинг шарофати олис Қорақалпоқ диёрини янадади. Қашқа воҳасиyo Фарғона водийсидаги вилоятлар даласига қўқламини бошлаб боради. Еринг кафтдек текис, далагн нишаб бўлса, бетон ариғу бетон лотокларингда сувлар оқса, сизот суву шўр деганлар беному бедарак йўқолса, ўзбек дехқонининг бахти, омади кулиб боққани шу эмасми?

**Шавкат ҚўЛМАТОВ,**  
**Оқолтин туманидаги Усмон Носир номи фермер ҳўжаликлари уюшмаси раҳбари.**

## СУРАТЛАРДА ХИТОЙ МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида 30 октябрь кунин «Бугунги Хитой» мавзусидаги фотокўрғазма очилди. У «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Хитой Халқ Республикасининг Инсон ҳуқуқларини ўрганиш жамияти ва ХХРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилишида Хитойнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Хунцзюнь мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Хитой мамлакатимизнинг энг яқин ва ишончли ҳамкорларидандир. Ўзбекистон — Хитой алоқалари бошқа соҳаларда аниқлаш ва маданият жаҳасида ҳам изчил мустақамланиб бораётди.

Кўрғазмада хитойлик фотостулар томонидан олинган тўрт юзга яқин фотосурат намойиш этилмоқда. Улар Чин юртининг тарихи, халқининг турмуш тарзи, урф-одатлари, аънава ва қадриятлари, санъати ва маданияти ҳақида ҳикоя қилади.

— Кўрғазмани ташкил

этишдан қўзланган мақсад суратлар орқали ўзбекистонликларни Хитой халқининг бугунги ҳаёти билан яқиндан таништиришдан иборат, — деди ХХРнинг Инсон ҳуқуқларини ўрганиш жамияти бош қотибининг ўринбосари Чен Жэнгонг. — Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар анъанавий дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида жадал ривожланимоқда. Келгусида муносабатларимиз янада мустақамланиб, ҳамкорликда қўллаб-қувватлашга интилади.

Кўрғазмада Хью Чангмингнинг «Шанхай тоғи», Жанг Чунхайнинг «Хитойликнинг тўйи», Лью Фенгнинг «Биз эгизакларимиз», Лью Жанмингнинг «Пекин операси», Канг Тайсөннинг «Тибетча рақс» каби суратлари томошабинларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Ирода УМАРОВА,**  
**ЎЗА МУХБИРИ.**



Касаначилик

## ҲУНАРМАНД ҚЎЛЛАР МЎЪЖИЗАСИ

«Чуст дейилдимки, кўз ўнгимизга, энг аввало, бу элнинг ўша машҳур дўпписи келади. Дўпписидаги таъриф этганидек, устига чойнак қўйсангиз кўрадангиз бу ҳўнармандчилик махсусотлари унинг ижодкорлари маҳоратидан сўзлайди, гўё.

«Чуст дўпписи» кичик корхонасини ташкил этган. Бу ерда дўппининг 50 дан ортиқ тури тайёрланади. Махсусотлар Намангандан ташқари Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида ҳам хариддорлар.

Кичик корхонада иш касаначилик асосида ташкил этилган, махсусот тайёрлаш суруати янада ошди. Чунки айни пайтда бу ерда 100 нафар ишчи меҳнат қиломоқда.

**СУРАТДА:** кичик корхона ишчиси Ҳабоба Қўзиева ва унинг шогирдлари.

**Турғунбек МАҲКАМОВ**  
олган сурат.

## 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Қириқлик Савара Раҳमतова махсус курсда таҳсил қўриб, чеварлик ҳўнарини эгаллаган бўлса-да, йирик корхонада меҳнат қилиш истаги ҳадеганда рубёга чиқармади. Шу боис, Ўзқўрғон қишлоғида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида қатнашишга жазм этди. Алқисса, муродига эрдн. «Агро-Фашон» кўшма корхонаси тикувчилари сафидан ўрин олди...

Ҳеч кимга сир эмас, охириги пайтларда бундай қувончли воқеаларни тез-тез эшитиб, аксариятига ўзимиз ҳам гўвоҳ бўлиб турибмиз. Сабаби аён: Мустақиллик йиллари юртимизда бошқа масалалар қатори аҳолининг ижтимоий муҳофазаси қилиш, хусусан, бандлик дароҳасини оширишга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Шу мақсадда шахар-туманларда Бандликка қўқлаштириш марказлари, фуқаролар йиғинлари қошида махсус шохобчалар ташкил этилди. Уларнинг зиммасига эҳтиёжман фуқароларни, бичрини галда, ёшлар ва хотин-қизларни ишга жойлаштириш, касбага ўқитиш ва қайта тайёрлаш, қўқмака муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга ёрдамлаш шидеқ масъулиятли вазифалар оқлатилди. Бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни оммага мунтазам етказиш йўлга қўйилди.

Инсонпарварлик руҳи билан йўрилган бундай тадбирларга Ижтимоий ҳимоя йилида эътибор қўйилди. Самараси ҳам шунга яқин бўлди. Масалан, сўнгги тўққуз ой ичида биргина Тошкент вилоятида Бандликка қўқлаштириш марказларида муҳтож фуқаролардан 18 минг нафарнинг илтимоси қаноатландирилди. Улар эга чиққан доимий иш ўринларининг асосий қисми касаначилик ва ҳусусий тадбиркорлик, шахсий ёрдамчи ва фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш, кичик корхоналар ва микрофирмалар очиб вазега яратилди. Бундан ташқари, жойларда саксон марта меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Уларда саккиз юз корхона-ташкилот ўзларига да мавжуд бўш иш ўринлари ва лавозимлар билан қатнашди. Пировардида, уч мингдан ортиқ талабгор муҳтож ишга жойлаштирилди. Қарийб уч юз

фатой-Оқтепа» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда қўрғон пардоз-андоз махсусотлари, тиш пасталари, спорт ва иш кийимлари тайёрлайдиган шохобчада, Охангарондаги «Асл керамик» ҳамда «Ангренишқўм» жамоалари бунёд этган гишт заводларида эллик нафардан юз нафаргача фуқаро эл-юрт манфаати йўлида меҳнат қилаётди. Айни кезларда «Ulugbek baxt

чиқариш бирлашмасининг қаровисиз қолган кўп қаватли ишчилар ётоқхонаси ўрнида кийими-кечаларни қимёвий усулда тозалайдиган шохобча ва бичиш-тўқуш цехи қўриб. Бир йўла йилга қўқлаштириш, сартароқчилик ва қосибликдан сабоқ берадиган «Дилдора» ўқув марказини очди.

Янгиликка интилуванлик ва жонқуярлик бобида «Доро-шокола» МЧХ

## ТАДБИРКОРЛИК БАРАКАСИ

yul'duz» агрофирмаси пойтахтимиз бичкиндаги Катротол қишлоғида очган дехқончилик махсусотларини қайта ишловчи цехни келгусида 230 киши меҳнат қиладиган йирик корхонага айлантириш кўзда тутилди. Охангарондаги «Асл керамик» ҳусусий корхонаси ҳамда Германиянинг «Steinert industries» компаниясининг 11,5 миллиард сўмлик инвестиция маблагига ҳисобига тикланган гишт заводлари ҳам юз олаб иш ўринлари яратилиши кутилди.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси қилиш тадбиркорлар ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар. Ишлаб чиқариш ва хизмат қўқлатиш доирасини кенгайтириш, махсусот тури ва ҳажминини қўқайтириш баробарида, қўқлаб ҳамюртларини қорига ярамоқдалар. Мисол учун, ангрелик Сарвар Жумабоевни олайлик. У ўз ҳандонида бутасимон қирчин дархатни нодарилари оромқўқрилар ва уй-рўзгор буюмлари тайёрлашни жорий этди. Шу асно маҳалласидаги талай ёшларнинг бошини бичкиртириб, уларга миллий ҳўнармандчиликнинг сирларини ўргатди. Яна бир тадбиркор Ваҳобжон Қодиров «Ўзбекрезинатехника» ишлаб

раҳбари Масанд Масаидов ҳам бошқалардан ортда қолмади. Ярим гектарлик тошқоқ ерни ўзлаштириб, кўпчилик ишлайдиган қандолатчилик цехи барпо этди. Унинг сафдошларидан Абдулла Темирбеков ва Олимжон Бойдуллаев ҳам ўзига хос ташаббус қўқраттишди. Абдулла собиқ ҳўжалик моллари дўқони ўрнида замонавий хизмат қўқратиш мажмуаси тиклаган бўлса, Олимжон қирлиқчи тўқланган маҳун уч қаватли иморатни йирик савдо марказига айлантирди. Бекобод туманидаги «Зафар» ҳусусий автобус-такси саройи бошлиғи Содик Сатторов бундан-да савоблироқ ишга қўқурди. Корхонаси қошида қўқоқ, бурун ва томоқ касалликларни шифохонаси қўқриб, 15 нафар врач ва ҳамширанини ишга қабул қилди. Тиббиёт учун қислород тайёрлашни ўзлаштирган охангаронлик Алишер Ҳайитқўлов ҳам оқилона йўл тутиб, қўқчилик дуосини олди. Масалга шу шихатдан қараганда, Қўқрай туманида жорий йилнинг ортда қолган даври мубоайнда 450 тага яқин микрофирма ва кичик корхона очилгани ҳам айни муддао бўлди.

Албатта, вилоятда аҳоли бандлик

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ЎҚИТУВЧИ ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТ АЗИЗ



Яқиндагина азиз устозларимиз, меҳрибон ўқитувчиларимизнинг касб байрамларини нишонладик. Бутун мамлакатда ўзгача фазл ила тантана қилинган ушбу кун ҳеч биримизнинг ёдимиздан чиқмаса керак. Зеро, истиқлол шарофати боис анъанага айланган ушбу байрам мураббийларга, фидойи муаллимларга бўлган юксак эҳтиром рамзидир. Гап шундаки, каминга ана шу байрам муносабати билан уюштирилган бир неча тадбирларда қатнашиб, олам-жаҳон таассуротлар олдим. Президентимиз ташаббуслари билан қад ростлаган қошона мактабларда бўлганимда беихтиёр кўз олдимдан эллик беш йил олдинги замон, воқеалар бир-бир ўта бошлади...

Бухоро шаҳрининг Чор Минор гузаридаги кўрмисизгина мактаб. Бўздан тикланган жилд билан биринчи синфга бораётган. Бахор кийимига ўралиб, кўчалар лой ва тор. Қўлида варақланаверганидан хилвираб қолган китоб, эғида ювляверганидан рангли номуълум бўлган кўйлак, лекин кўзларида умид билан Биринчи ўқитувчим мени кутиб олмоқда. У хонадонлардан келтирилган тарашалар билан синфимизни иситида ва лой теккан, ёмғирдан ҳўл бўлган кийимларимизни тезроқ қуриштиш учун бизни печканинг ёнига утиришди. Биз, ўқувчилар доскадаги ёзувларни ва бутун мактаб учун ягона ўқув жиҳози ҳисобланмиш катта ёгонларга ўрнатилган чўтда ўқитувчи бажарайтган амалларни кузата олмай хунобимиз. Чўтга бармоқларни теккишимиз — бахт. Чўтдаги ҳисоб-китоб мўъжиза эди, гўё.

Азиз устозим, сиз бүгун мустақиллигимизни, она диёримизда жаҳон андозларига мос қилиб қурилатган мактабларни бир кўраганимизда эди, қувончдан бошингиз осмонга етарди. Сиз таълим берган ўқувчиларингиз неваралари замонавий компьютерлар билан жиҳозланган синфхоналарда таълим олмоқда. Улар би-

ринчи синфга Юртбошимиз совға қилган бежирим, қўлай сумкаларга олий сифатли чоп этилган дарсликларни солиб олганча қаддам қўймоқда. Уларнинг эғидаги кийимга барчаннинг ҳаваси келади.

Юртбошимизнинг ташаббуслари билан 1993 йил Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллик юбилейлари жаҳон миқёсида нишонланиб, ушбу зияратгоҳ таъмирланганда, 2003 йил Ҳазрат Абдуллоҳиқ Ғиётовнинг жаҳон миқёсида нишонланган 900 йиллик юбилейлари пайтида Сизнинг ўша гапнинг қиёфанингиз кўз олдимда намён бўлди. Ушбу зияратгоҳлар истиқлол шарофатидан шундай обод бўлдики, тарих ҳали бундай ободонгарчиликни кўрмаган! Чунки сиз орзу қилганингиздек, бүгун юртимизнинг ўз эрки, ўз Эғаси сиз бор!

“Ҳазрат Баҳоуддин ким бўладилар?” — деб берган саволимизга сиз: “Бу киши авлиёлар ўқитувчиси эди. Зияли эди. Сизларга ҳали бу кишилар ҳақида ёзилган китобларни ўқиш насиб этар. Зиялилар зямони ҳам келади”, деб жа-

ривожиға муҳим ҳисса қўшганини мурғак қалбларимизга сингдирганимиз. Бугунга келиб ўзбек олимларининг Европа университетларига бориб, уларга сабоқ бераётгани, улуг бобоқалонларимиз асарларининг жаҳон тилларига қайта-қайта таржима қилинган, жорий йилда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг Ислам маданияти пойтахти, деб эълон қилинишини кўрмаганимиз-да, Биринчи ўқитувчим!

Истиқлол озод ватанимиз ёшларини, келажакимиз эгаларини ҳар томонлама, айниқса, илму адабда етук бўлишлари учун беқиёс замин яратди. Хукуматимиз томонидан таълим тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани беҳис эмас. Ёшлар — Ватан келажиги, улар бизнинг умид ва ишончимиз. Ёшлар етук кадрлар бўлиб етишсагина, Ватан тараққиёти таъминланади. Таълим-тарбияга эътибор нақадар долзарб эканини Президентимизнинг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги Фармонида алоҳида қайд этиб ўтилган.

Биз ўқиган пайтда мактаб, таълим масаласига маблағ ажратилиш ҳақида деярли гап бўлмаг эди. Энди эса давлатимизнинг асосий маблағи таълимни ривожлантиришга сарфланмоқда. Бу ўринда Президентимизнинг мана бу сўзларини эслаш айни мўъжаз: “...Таълим учун ҳаражатлар Давлат бюджетлари ҳаражатлари умумий қийматининг қарийб

ярмини ташкил этади. Бироқ мен уларни ҳаражат эмас, келажак учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоблайман, чунки таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омилдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида мавжуд умумтаълим мактабларининг қарийб 90 фоизи таъмирланиб, қайта жиҳозланмоқда...”

Эътибор беринг, мавжуд мактабларнинг 90 фоизи қайта таъмирланиб, жиҳозланишининг ўзи қанчалик улуг вазифа. Бунинг учун қанчадан-қанча маблағ талаб этилади. Агар юртимиздаги мактаблар сони 10 мингга яқин эканигини инобатга олак, олиб борилаётган ишлар салмоғи нақадар улкан эканигини ҳис қилиш қийин эмас.

Азиз устозим! Бу рақамлар таълимга эътиборнинг биринчи моҳиятидир. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, Сизни кўп камситандилар. Сизнинг жойингиз давранинг тўрида эмасди. Истиқлол шарофатидан ҳозир давраларнинг тўри ўқитувчилари бўлди. “Модоники, илм-зиё эҳл билдан кўра кўпроқ биладиган, узоқроқни кўрадиган, теранроқ аналитиклар қилишлар экан, лекин уларнинг жойи тўра бўлиши керак” дея Юртбошимизнинг ўзлари сизларга алоҳида гап-хўрж кўрсатмоқдалар.

Бугун ўқитувчи эъзозда. Ўқитувчи — Ўзбекистон Қарамоғи. Ўқитувчи қатор-қатор орденлар ва медаллар соҳиб. Ўқитувчини эъзозлаб, давралар тўрига чиқаритган ислохотлар бардавондир. Бундай эзгуликлар бошида турганлар, илоҳо, омон бўлишсин!

Озод юртда барақаю кут азиз,  
Ватанга меҳр уйғотувчи сўт азиз!  
Донишмандлар ҳикмати бу, аё дўст,  
Ўқитувчи эъзоз топган юрт азиз.

Содриддин САЛИМ БУХОРИЙ.

## Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

**Мақоода ёпиқ иншоотларда ўтаётган II Осий ўйинлари қизгин паллага кирди.**

**“В” гуруҳида иштирок этаётган эркеклар футбол терма жамоамиз учинчи тур учрашувини Гонконг футболчиларига қарши ўтказди ва 6:1 ҳисобида ғалаба қозониб, чорак финалга йўл олди. Юртдошларимиз 1 ноябрь кўни бошланадиган чорак финалда “А” гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган Малайзия терма жамоаси билан беллашади.**

Аёллар терма жамоамиз ишончли ўйинлар билан муқимларини ҳушуд этмоқда. Улар гуруҳидаги охириги учрашувини Филиппин футболчилари устидан 7:1 ҳисобида зафар қўчишди.

Хабарингиз бор, биринчи турда ҳамюртларимиз Вьетнам термаси билан 4:4 ҳисобида дуранг ўйнаганди. Кўни кеча вьетнамликлар Филиппин футболчиларини 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Гуруҳда Ўзбекистон ва Вьетнам терма жамоалари бир хил — 4 очқодан жамғаришди, тўлар нисбати бўйича юртдошларимиз биринчи ўриндан жой олдилар.

Энди футболчи қизларимиз ярим финалда Таиланд терма жамоаси билан кўч санашади.

### Жаҳон чемпионати — 2014 Бразилияда ўтади

Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) 2014 йилда эркеклар, 2011 йилда аёллар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатларига мезбонлик қиладиган давлатлар номини эълон қилди.

Унга қўра, эркеклар ўртасидаги мундиал мезбонлиги беш қара жаҳон чемпиони Бразилия мамлакатига берилди. Аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионати ўтказиш ҳуқуқи эса талабгорлар ичидан энг кўп овоз тўплаган Германия мамлакатига насиб этди.

ФИФА президенти Йозеф Блаттер ижрокўм йиғилишида ҳар иккала мамлакатда мажур нуфузли мусобақани юқори савияда ташкиллаштириш учун барча имкониятлар етарли эканини таъкидлади.

Эслайтиб ўтамиз, футбол қироли Пеле ватандошлари жаҳон чемпионати иккинчи бор ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритди. Биринчиси 1950 йилда бўлиб ўтганди.

www.fff.uz сайтидан олинган маълумотда айтилишича, бугунгача 4 та давлат ўз майдонларида икки мартадан жаҳон чемпионати мезбонлигини қабул қилган. Булар Италия (1934, 1990), Франция (1938, 1998), Мексика (1970, 1986) ва Германия (1974, 2006) давлатларидир.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**  
“Халқ сўзи” муҳбири.

### Ижодий танлов ғолиблари

Октябрь ойи якунига қўра, газетамиз саҳифасида эълон қилинган **Муҳаммад Қурононинг «Нияти улугнинг — қадами кутлуг», Абдурафик Аҳадовнинг «Адолат тантанаси», Насимжон Алимовнинг «Миллат кўзгуси»** мақолалари ойнанинг энг яхши публицистик чиқишлари, деб эътироф этилди.

### ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

**2007 йил учун докторантура ва аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади.**

**Докторантурага**

06.01.02 — Мелиорация ва сўрма деҳқончилик — 1 ўрин.  
08.00.04 — Микроиктисод — 1 ўрин.

**Аспирантурага**

05.01.01 — Амалий геометрия ва муҳандислик графикаси — 1 ўрин.  
05.20.01 — Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши механизациялаш — 1 ўрин.  
05.20.03 — Кишлоқ хўжалик техникаларини эксплуатация қилиш, тиклаш ва таъмирлаш — 1 ўрин.  
05.23.07 — Гидротехника ва мелиорация қурилиши — 1 ўрин.  
05.23.16 — Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси — 1 ўрин.  
06.01.02 — Мелиорация ва сўрма деҳқончилик — 2 ўрин.  
08.00.04 — Микроиктисод — 4 ўрин.  
13.00.08 — Хунар таълими назарияси ва услубиёти — 1 ўрин.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, ГСП, Қори-Нийзий кўчаси, 39-уй, ТИМИ илмий ва амалий тадқиқотлар маркази, аспирантура ва докторантура бўлими. Телефонлар: 137-09-46, 137-19-61.

### А. Навоий номи ДАҚТ

Опера премьераси Тўхтасин Жалилов таваллудининг 110 йиллиги ва Собир Абдулла таваллудининг 100 йиллигига бағишланади.

**Т. Жалилов, Б. Бровштин**

# Тохир ва Зухра

10, 17 ноябрь, 9 декабрь соат 17.00 да

Музыка раҳбари ва сахналаштирувчи дирижёр  
Сахналаштирувчи режиссёр  
Сахналаштирувчи рессом  
Хормейстерлар  
Балетмейстер  
Либослар бўйича рессом

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби  
**Фазлиддин ЕҒУБЖОНОВ**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими  
**Хайдарали ҚОСИМОВ**  
**Даврон РАҒАБОВ**  
Ўзбекистон халқ артисти  
**Сулаймон ШОДМОНОВ,**  
**Мая ШАНДРИНСКАЯ**  
Ўзбекистон халқ артисти,  
Давлат мукофоти лауреати  
**Ғалия ИЗМАЙЛОВА**  
Лобар **ПОЛВОНОВА**

Икки кўринишли опера *Собир Абдулла либреттоси*

Касса дам олиш куниси соат 10.00 дан 19.00 гача ишлади. Телефон 133-90-81. Маълумот учун телефонлар: 132-19-38, 321-51-88.

## GAZ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

**КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА**

GAZ-3221 Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

GAZ-31105, «ВОЛГА»

GAZ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

GAZ-32214 (4x4) «Тез ёрдам»

«ОМСКИНА» ОАЖ АВТОШИНАЛАРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ. Тел.: 300-29-59

GAZ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

GAZ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

GAZ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

GAZ-3307 Автоэвакуатор

GAZ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.  
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлариз 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРАДГИ «GAZ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЙОРМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озик-овқат, саноят моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассензорлар, автогидроқўтарғичлар, автоустоналар, бургулаш (буrowsьe), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.

АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сўт ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

### Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.  
Навбатчи — С. Хайдаров.  
Мусахҳах — М. Екубова.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 23.55 Топширилди — 00.30 2 3 4 5 6